

2. Кулинский В.И., Ольховский И.А. Поиски новых медикаментозных средств против гипоксической защиты организма на основе изучения рецепторной регуляции кислородного обмена. В сб.: Фармакологическая коррекция гипоксических состояний. Москва, 1969.С. 133-143.

ҚУРҒОҚЧИЛ ЯЙЛОВЛАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БИЛАН ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ

Э. Т. Фармонов¹, А. Н. Садыров², Б. М. Бозоров³

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти¹,
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти², Самарқанд Давлат
университети³*

Резюме: Мақолада, қурғоқчил яйловларда чўл озубоп ўсимлик уруғларини сифатли экадиган кенг қамровли инновацион сеялка тавсия қилинган.

Калит сўзлар: Қурғоқчил яйловлар, ўсимлик, сут, гўшт, қорақўл тери, жун, технология, механизациялаш, уруғ, экиш, сеялка.

Резюме: В статье рекомендовано инновационная широкозахватная сеялка, обеспечивающаяся качественный посев семян пустынных кормовых растений в аридных пастбищах.

Ключевые слова: Аридные пастбища, растение, молоко, мясо, каракульские смушки, шерсть, технология, механизация, семена, посев, сеялка.

Abstract: The article recommends an innovative wide-seeding seeder, which provides high-quality sowing of seeds of desert fodder plants in arid pastures.

Keywords: Arid pastures, plants, milk, meat, karakul leather, wool, technology, mechanization, seeds, sowing, seeder.

Ўзбекистонда 20 млн. га атрофида қурғоқчил яйловлари чорвачилик учун ажратилган. Қурғоқчил табиий яйловлар мамлакатимиз чўл чорвачилигининг асосий озуба манбаи бўлиб, улардан йил бўйи фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан афзалдир, чунки чорва моллари табиий яйловлардан ўзларига керакли 95-100 % гача озубаларни истемол қилиши натижасида улардан арзон ва юқори сифатли маҳсулотлар (гўшт, сут, тери, қорақўл тери ва жун) олинади. Тери жумладан, қорақўл териси мамлакатимизда ва хориж Давлатларида ҳам чекланмаган миқдорда талаб қилинадиган қиммат баҳо хом-ашё ҳисобланади

Шу соҳа олимлари ва мутахассисларининг илмий хулосаларига кўра, табиий яйловларни тубдан яхшилашнинг асосий усулларида бири уларни маҳаллий кўп йиллик ўсимликлар, буталар ва ярим буталар экиш билан доимий тиклаб янгилаб бориш ҳисобланади. Қурғоқчил яйловлар ҳолатини яхшилашда табиий ҳолда ўсадиган озубоп ўсимликларни экиш билан маданий яйловлар ташкил қилинганда, улар ҳосилдорлигини 2-10 бараварга оширилиши мумкин [1,2].


Истикболли табиий ёввойи чўл озубоп ўсимликлари билан яйловларни яхшилаш ишлари, уларнинг таназзули билан курашиш ҳозирги кунга қадар асосан муайян шароитларга мос келмайдиган қишлоқ хўжалиги техникалари базасида олиб борилмоқда. Чўл-ййлов чорвачилиги учун умумқабул қилинган аниқ машиналар мажмуаси мавжуд эмас.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экишга мўлжалланган сеялкаларни чўл озубоп ўсимликлари уруғларини экишда қўллашда кутилган натижа олинмаганлиги ҳозирги кунда муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби, сеялка бункеридаги ғалтакли тақсимлаш аппаратининг майда, сочилмайдиган ва қанотчаларга эга уруғларга фаол механик таъсир қилиши боис, уларнинг шикастланиши, эзилиши кузатилмоқда. Натижада уруғларнинг биологик унувчанлигини йўқотилишига олиб келмоқда. Бу сеялкалар чўл озубоп ўсимликлари уруғларни экиш бўйича агротехник талабни қаноатлантирмайдди.

Кўп йиллик олиб борилган илмий-тадқиқот ишларимиз натижасида уруғларни экишда уларга деярли механик таъсир кўрсатмайдиган, озубоп чўл экинлари уруғларини сифатли экадиган технология ва кенг қамровли инновацион сеялка яратилди [3, 4].

Инновацион сеяланинг асосий янгилиги унинг янги экиш секцияси конструкциясига ўзгартириш китилганлиги ва бункерда уруғ тақсимлаш барабининг ўрнатилганлиги

хисобланади. Сеялканинг технологик иш жараёнида бункерда ўрнатилган уруғ тақсимлаш барабани уруғларни синиши ва эзилишини олдини олади, уруғларга деярли механик таъсир кўрсатмайди (расм). Натижада уруғларнинг сифатли экилиши ва уларнинг унувчанлигини оширишга эришилади. Тавсия этиладиган сеялка чўл озуқабоп ўсимликлари уруғларини экишга қўйилган агротехника талабларини тўла қаноатлантиради.



1-расм. Чўл озуқабоп ўсимликлари уруғини экиш сеялкасининг ва унинг экиш секциясининг умумий кўриниши

1- рама 2,3- ғилдираклар; 4-из тортгич; 5,6-валлар; 7-ўриндик; 8-бункер; 9-уруғ тўзитгич 10-тақсимлаш барабани; 11-планкалар; 12-уруғ йўналтиргич; 13- уруғ ўтказгич; 14- эчкич; 15- трактор ғилдираги, 16 –уруғ.

Секцияларни рамага нисбатан силжитиш натижасида ўсимликларни турли қатор оралигида экиш имконияти ҳам мавжуд бўлиб сеялка турли шароитга ва ўсимликлар турларига мослаштирилади.

Таназзулга учраган яйловларни тиклаш, паст маҳсулдорли ва тор мавсумли яйловларни яхшилашда ушбу сеялқадан фойдаланиш яйловларни фитомелторациялаш чора-тадбирларини амалга ошириш учун сарфланадиган ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини, меҳнат кучи ва уруғ захираларини кескин тежаш имконини бериши билан бир қаторда, атроф муҳит, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш каби муҳим экологик талабларга жавоб беради.

Адабиётлар

1. Шамсутдинов З. Ш., Ибрагимов И.О. Долголетние пастбищные агрофитоценозы в аридной зоне Узбекистана. - Ташкент. Фан, 1983, с.70-85.
2. Мухамедов М.Г., Дуриков М.Х. Агротехнические указания по возделыванию изеня в Туркменистане -Ашхабад: Ёлим, 1986.-10 с.
3. Фармонов Э. Т., Корсун А. И., Горлова И. Г. Сеялка широкозахватная IAP 04515 сонли ихтирога берилган патент. Ўзбекистон Республикаси Давлат ихтиролар реестрида 27.06.2012 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган.
4. Фармонов Э. Т. Сеялка пустынная широкозахватная универсальная, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2018 й. 29 мартдаги ихтирога № IAP 20180123 талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарори.